

**"ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ" МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**"ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ"
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮНУСОВ БЕГЕНЧ МАВЛАНБЕРДИЕВИЧ

**АҲОЛИ ПУНКТИ ЕРЛАРИ ҲИСОБИ УСЛУБИНИ ГЕОАХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Жиззах вилояти мисолида)**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Юнусов Бегенч Мавланбердиевич

Аҳоли пункти ерлари ҳисоби услубини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш (Жиззах вилояти мисолида)..... 3

Юнусов Бегенч Мавланбердиевич

Совершенствование метода учета земель населенных пунктов на основе геоинформационных технологий (на примере Джизакской области)..... 23

Yunusov Begench

Improving the methodology for accounting for lands of settlements based on geoinformation technologies (in case of Jizzakh region)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**"ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ" МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**"ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ"
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮНУСОВ БЕГЕНЧ МАВЛАНБЕРДИЕВИЧ

**АҲОЛИ ПУНКТИ ЕРЛАРИ ҲИСОБИ УСЛУБИНИ ГЕОАХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Жиззах вилояти мисолида)**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2022.4.PhD/T197. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаши веб-саҳифасида (www.ttiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Алтиев Абдурашид Султанович иқтисод фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Сафаров Эшқобил Юлдашевич техника фанлари доктори, профессор Сууюнов Абдусоли Саматович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.T.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «10» Феврал соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-09-71, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@ttiame.uz)

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (251 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2023 йил 23 Октябр кун тарқатилди.
(2023 йил «23» Октябр даги 251 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

Ф.А.Гаппаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Қ.Р.Раҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун мавжуд ер ресурсларини самарали бошқариш усулларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида аҳоли сонининг ўсиши натижасида киши бошига ер ресурсларининг камайиб бораётганлигини инобатга олсак, мавжуд ер ресурслари, жумладан, аҳоли пункти ерларини самарали бошқариш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш имконини берадиган геоахборот тизимларни амалиётга кенг жорий этишни тақозо этади. Бу борада жаҳонда аҳоли пункти ерларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, таъсирчан назоратни таъминлаш мақсадида уларни ҳисобга олиш ва ерлардан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида ер қонунчилигида белгиланган ташкилий-техник механизмларга қатъий риоя этишга муҳим муаммо сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда аҳоли пункти ерларининг ҳисобини геоахборот технологиялари асосида ташкил этган ҳолда улардан юқори аниқликда ва даражада фойдаланиш имконини берадиган янги илмий-техникавий ечимларни ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда аҳоли пункти ерларининг жамият ва иқтисодиёт эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда камайиши ёки кенгайиши жараёнларини кузатиш ва уларни ҳисобга олиш, айниқса интенсив фойдаланилаётган ерларнинг аҳоли пунктини ривожлантириш учун ажратилишига чекловларнинг ўрнатилиши, ушбу ерларни фуқаролик мақсадлари учун ўзбошимчалик билан эгалланиши ҳолатларининг тўхтамаётганлиги, аҳоли пункти ерлари турларининг ноаниқлиги ушбу ерлар ҳисобини юритиш қанчалик долзарб масала эканлигидан далолат беради. Айни маънода, геоахборот технологияларидан фойдаланиб аҳоли пункти ерлари ҳисобининг услубини такомиллаштириш, вақт ва харажатларни самарасиз сарфланишининг олдини олиш ҳамда маълумотларни сифатли ва доимий янгилаб борилишига қаратилган тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Республикамизда ер кадастри соҳаси бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, ерга оид барча ахборотларни рақамлаштириш доирасида аҳоли пунктлари ерларининг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Республикамиз учун ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган суғориладиган (интенсив фойдаланилаётган) ерлар 4,3 миллион гектарни ёки мамлакат умумий ер майдонининг 9,6 фоизини ташкил этиб, бу кўрсаткич асосан ўзбошимчалик билан эгалланган аҳоли пункти ерлари ҳисобига йилдан-йилга камайиб бормоқда, шу сабабдан ҳозирги кунда аҳоли пунктлари ерларининг кўпайиши режаланмаган ҳамда белгиланмаган тарзда қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига ошиб бориши аҳоли пункти ерларининг ҳисобини юритишни етарли даражада рақамлаштиришни талаб қилади. Шундай экан аҳоли пункти ерларининг ҳисобини юритиш услубини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сон фармони, 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги “Аҳоли пунктларини куришда шаҳарсозлик ва ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга, шунингдек тадбиркорлик мақсадлари учун ер ажратиш тартибини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 467-сон, 2021 йил 22 июндаги “Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 389-сон ҳамда 2018 йил 14 декабрдаги “Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги 1010-сон қарорлари, шунингдек аҳоли пунктидаги ер муносабатларига тааллуқли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацияда таклиф қилинган услублар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув муаммолари» ҳамда IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соҳага тегишли илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, аҳоли пункти ерларини юқори даражадаги ГАТ (геоахборот тизим ва технологиялари) дастурий таъминотлари ёрдамида ҳисобини юритиш, аҳоли пункти ерларининг субъектив кўрсаткичларини шаффоф ва тезкор базалаштириш бўйича чет эл олимлари билан бир қаторда республикамиздаги олимлар ҳам илмий тадқиқотлар олиб боришган. Бинобарин, муаммонинг геоахборот тизимини юритиш жиҳатларини назарий ва услубий асосларини чет эл олимларидан J. Bouma, P.A. Burrough, J.J. de Grijter, E. Van Ranst, A.K.L. Johnson, & A.V. McBratney ва бошқалар тадқиқ этишган, жараёнларни автоматлаштиришнинг назарий ва услубий асосларини эса А.А.Варламов, К.М.Мелихов, С.В.Козменкова, С.В.Касьянов, В.И.Кусов, А.Л.Ильиних, Ю.В.Рябов, Е.В.Белорусцева, М.Е.Буковский, ва бошқалар ишлаб чиқишган. Республикамиздаги соҳа олимларидан эса А.С.Алтиев, А.Р.Бабажонов, Қ.Рахмонов асарларида келтирилишича, аҳоли пункти ерларини миқдор жиҳатидан ҳисоб-китоб қилиш, уларни маълум маъмурий-ҳудудий бирликлар, ердан фойдаланувчилар ва ер турлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги тадқиқотларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли минтақаларида аҳоли пункти ерлари ҳисобини замонавий усулларда юритиш ва шакллантириш, дала тадқиқот натижаларини геомаълумотлар базасига интеграциялаш, интерполяция усулида аҳоли пункти объектларини геовизуаллаштириш, ArcGis

дастури асосида таҳлил қилиш, қайта ишлаш, жараёнларни рақамлаштириш ва модуллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада эмас. Шу сабабли аҳоли пункти ерларини ArcGis дастури асосида уларнинг ҳисобини юритиш тизимини рақамлаштириш ва барча жараёнлар кетма-кетлигини модуллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университети илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳоли пункти ерлари ҳисобининг услубини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш ва геомаълумотлар базасининг аниқлик таҳлилинини қилишни автоматлаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳоли пункти ерлари фойдаланувчиларининг атрибутив кўрсаткичларини геовизуаллаштиришда автоматлашган тизимини такомиллаштириш;

аҳоли пункти ерларининг геомаълумотлар базаси таҳлилинини рақамлаштириш услубларини асослаш;

геоахборот технологиялари асосида аҳоли пункти ҳудудида манзиллар реестрини юритишни такомиллаштириш;

геомаълумотлар базасидаги мавсумий ДҚЯТ (давлат кадастрлари ягона тизими) маълумотларини қўшимча ArcGIS дастурида яратилган модул ёрдамида таҳлил қилиш услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Жиззах вилояти ҳудудидаги аҳоли пункти ерлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб аҳоли пункти ер майдонларини инновацион услуб ва технологиялар асосида ҳисобини юритиш, аҳоли пункти объектларининг геовизуаллаштирилган электрон базасини яратиш ҳамда ArcGIS дастури ёрдамида аҳоли пункти ерлари ҳисоби тўғрисидаги ахборотларни намоён қилувчи интерфейслар ва иловалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқот жараёнида геостатистик таҳлиллар қилиш, объектларни геофазовий боғлаш, картографик, масофадан зондлаш, алгоритмлаш каби услублардан фойдаланилган.

Ишнинг илмий янгилиги:

аҳоли пункти ерлари ҳисобининг услуби учувчисиз учиш аппаратлари маълумотлари асосида масштаб аниқлигини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчиларнинг ер майдонларини таҳлил қилиш услуби ArcGIS дастурий таъминоти асосида такомиллаштирилган;

аҳоли пункти ҳудудида манзиллар реестрини рақамлаштириш услуби геоахборот технологиялари асосида такомиллаштирилган;

аҳоли пункти ерлари ҳисобини геоахборот технологиялари асосида ташкил қилиш услуби ишлаб чиқилган ва модуллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

аҳоли пункти ерлари майдонларини тадқиқ этишда замонавий учувчисиз учиш аппаратларилари ёрдамида инновацион усулда ер ҳисобини юритиш услугиёти такомиллаштирилган ва бу борада илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ArcGIS дастурий таъминотида дала тадқиқот натижаларини қайта ишлаш, жойларда олиб борилган ҳисоб таҳлиллари векторли қатлам кўринишида геомаълумотлар базасига интеграциялаштирилган ва аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчилар кўрсаткичлари геостатистик таҳлиллар асосида геовизуаллаштирилган;

ArcGIS дастурий таъминотида аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчилар манзиллари ягона реестрини юритиш ва таҳлилий натижаларни амалга ошириш ишлари йўлга қўйилган. Дастур ёрдамида аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчилар ягона реестрини юритишда ўзгартирилган ва янги қўшилган ердан фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни мунтазам янгиланган бориш тизими жорий қилинган;

рақамлашган тизимда аҳоли пункти ерларининг кўпайиши ёки камайиши бўйича ҳисобини назоратга олиш услуги ишлаб чиқилган. Қишлоқ жойлардаги аҳоли пункти ерларининг ҳисобини юритиш, хато ва камчиликларни замонавий технологиялар асосида аниқлаш, шунингдек аҳоли пункти ерларидан фойдаланишни, қўшимча қурилишлар қуришни қонун доирасида олиб боришни ҳамда ерларни ноқонуний эгаллашнинг олдини олиш юзасидан режали тизим жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Давлат кадастрлари палатаси ва унинг Жиззах вилояти бошқармаси ва туман филиаллари материалларидан фойдаланилганлиги, тадқиқотлар натижасида яратилган модуллар асосида олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аҳоли пункти ерларининг ҳисоби маълумотларини замонавий усулларда ГАТ дастурий таъминотларида юритиш ва шакллантиришни автоматлаштириш, модуллаштириш ҳамда геовизуаллаштириш услубларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аввало, олинган асосий давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ) маълумотларининг таҳлили ва уларни ягона координата тизимига келтириш, аҳоли пункти ерларининг ҳисоби бўйича назоратни рақамлашган услубда олиб боришга қаратилган давлат дастурларини, меъёрий ҳужжатларни, шунингдек “йўл харита” ларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳоли пункти ерлари ҳисоби услубини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш бўйича олинган натижалари асосида:

аҳоли пункти ерлари ҳисобининг услуги учувчисиз учиш аппаратлари маълумотлари асосида масштаб аниқлигини инобатга олган ҳолда

такомиллаштириш услуги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги тизимида жорий қилинди (Кадастр агентлигининг 2022 йил 30 майдаги 05-04-489-сон маълумотномаси). Натижада, давлат ер кадастри бўйича маълумотларнинг тизимли юритилишида асосий таклиф бўлиб юқори самарадорликка эришишга хизмат қилган;

Аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчиларнинг ер майдонларини таҳлил қилиш услуги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги тизимида жорий қилинди (Кадастр агентлигининг 2022 йил 30 майдаги 05-04-489-сон маълумотномаси). Натижада, аниқлик даражаси юқори ер ҳисобини юритиш, геомаълумотларни трансформация қилиш ва аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчилар маълумотларининг аниқлик даражасини тезкор таҳлил қилишда ArcGIS дастури таъминотларидан фойдаланиш имкони яратилган;

ArcGIS дастури асосида аҳоли пунктлари манзиллар реестрини шакллантиришнинг рақамлашган усули Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги тизимида жорий қилинди (Кадастр агентлигининг 2022 йил 30 майдаги 05-04-489-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли пункти ерларида манзиллар реестрининг базаси яратилиш ва уларнинг ҳисобини олишда геоахборот технологияларидан фойдаланиш имкони яратилган;

Аҳоли пункти ерлари ҳисобини геоахборот тизими асосида ташкил қилиш услуги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги тизимида жорий қилинди (Кадастр агентлигининг 2022 йил 30 майдаги 05-04-489-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли пункти ерларини самарали бошқариш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш имконини берадиган геоахборот технологияларидан фойдаланиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аҳоли пункти ерлари ҳисобини юритишнинг илмий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида аҳоли пункти ерларини ҳисоб қилишни ташкил қилиш ва унинг мақсади ва вазифалари, аҳоли пункти ерлари ҳисоби бўйича тушунчалар, унинг ташкилий-техник асослари ва услубий жиҳатлари каби масалалар ёритилган.


Мамлакатимизни 2022–2026 йилларда ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш каби энг муҳим йўналишларни ҳаётга тадбиқ қилиш муайян чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Айни шу маънода аҳоли яшаш жойларини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, уни рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш ўзининг муҳимлиги билан ажралиб туради. Мазкур вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда мамлакатнинг асосий миллий бойлиги бўлган ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни барқарор бошқаришни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда, айниқса, аҳоли пункти ерлари ҳисобини ташкил қилишда замонавий УУА (учувчисиз учиш аппарати) ларидан фойдаланиш, аҳолига ер ажратиш ва ер участкаларини олиб қўйиш ҳисобини юритиш масалалари билан бир қаторда, картография, кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш тизимларини модернизация қилиш, 1:10000 ва 1:25000 масштабдаги қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқ хариталари ёрдамида 1:2000 масштабдаги аҳоли пункти ерлари электрон хариталарини яратиш, маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларни белгилаш, ерлардан ноқонуний фойдаланишларни аниқлаш ва картографик асосни яратиш мақсадида аҳоли пункти ерлари ҳисоби услубини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш ва унинг геоахборот таҳлилини автоматлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Аҳолининг ерга бўлган талабининг ўсиб бораётганлиги сабабли аҳоли пункти ерлари трансформациясини асослаш ва муҳофаза қилиш талаб қилинади. Айнан аҳоли пункти ерларининг бошқа тоифадаги ерлардан фарқи ҳам унинг ўсиб бориш тенденциясига эғалигидадир. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 27-моддасига кўра “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун 0,04 гектаргача ер участкаларини ажратиш” бегиланган бўлсада, фуқароларга ер ажратиш маҳалла фуқаролари йиғини, собиқ ширкат хўжаликлари томонидан ҳеч қаерда ҳисобда бўлмаган уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиб келинган.

Ер ҳисобининг асосий мақсади аҳоли пунктининг белгиланган чегарада бўлиши, суғориладиган ерларнинг уй-жой қурилиши ҳисобига камайишининг олдини олиш, ерларни муҳофаза қилиш, аҳоли яшаш ерларини самарали

бошқариш, аҳолига ер ажратишнинг ҳаққоний ва шаффоф тизимини шакллантириш, аҳолига ер ажратишни режалаштириш жараёнларини тўғри ва объектив ахборот билан таъминлашдир.

Кейинги йилларда аҳоли пункти учун ер ажратишда аҳоли сонининг кўпайишига қараб аҳолига уй-жой қуриш мақсадида ер участкалари майдонини олдиндан башоратлаш талаб қилинмоқда. Бунинг учун йиллар давомида аҳоли пунктлари ерларининг тақсимланиши ва уларга ажратилган ер майдонларини ўрганиш керак бўлади. Жиззах вилояти бўйича аҳоли пунктларига ажратилган ер майдонларининг ўзгариши 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Жиззах вилояти бўйича аҳоли пункти ерларининг 2011-2021 йиллар мобайнида ўзгариш динамикаси тўғрисидаги маълумотлар (минг га.)

Диаграммадан кўриш мумкинки, аҳоли пункти ерлари ҳисобини юритишда муайян тизимлиликка риоя қилинмаган, 2012-2013 йиллардаги рақамларнинг умумий тенденцияга мос келмаслигини кузатиш мумкин. 2019-2021 йилларда эса аҳоли пункти ерлари миқдори кўпайиб борганлиги аҳоли пункти ерларига ажратилиши керак бўлган ҳудудларни олдиндан танлаб олиб аҳоли пункти статусини бериш учун керак бўлган барча шарт-шароитларини таъминлашни талаб қилади. Ушбу таҳлиллар аҳоли пункти ерларининг миқдори ва улардан фойдаланиш ҳисобини юритишни тартибга солиш зарурлигини англатади. Бу эса назоратни тўғри ташкил қилиш, тезкор ахборотларни шакллантиришдаги жиддий камчилик ва муаммолар юзага келишининг олдини олишни тақозо қилмоқда. Яқин ўтмишда ерларнинг миқдорий ҳисобини олиб боришда эски услубда кўплаб қўлбола метрлар, саржинлардан фойдаланилган ва кўплаб хатоликларга йўл қўйилган ҳамда ер майдонларининг координацион аниқ ўлчамларини аниқлашнинг имкони бўлмаган. Бундан ташқари топографик ўлчов усулида амалга ошириш учун жуда катта маблағлар талаб этилган ва уларнинг камлиги ва ўз вақтида ажратилмаганлиги сабабли мазкур ишлар ўз самарасини бермаган (1-жадвал).

Аҳоли пункти ерларининг майдонларини Ан-2 самолёти ва учувчисиз учар аппаратлари ёрдамида ўлчаш натижалари таққосланди. Маълум бўлишича, Ан-2 самолётларининг жойлашган базаси Қарши шаҳрида эканлигини эътиборга олсак, учиб келиш-кетиш масофаси, вақти, ёқилғиси ҳамда иш кучини ҳисобга олганда иқтисодий жиҳатдан УУА ларга нисбатан кўп маблағ сарфланмоқда.

1-жадвал

Ш.Рашидов тумани “Ёшлик” маҳалласини хатлов қилиш услублари

Таҳлили

Топосъёмка								
Номи	ходим сони	МФЙ объект сони	кунлик режа	иш тури	вақт (кун)	хатолик даражаси (кв)	Битта ходимга тўланадиган сумма	жами сумма
топограф	5	520	52	Геодезик ўлчов	10		3 500 000,00	17 500 000,00
				отрибутив маълумотларни ва Абрис шакллантириш	4,2			
ДҚЯТ муҳандиси	1		520	520	Абрисга асосан shp file тайёрлаш; таҳлил.	1	0,1\0,2	181 818,00
дастур муҳандиси	1		130	Абрисни сканерлаш, УзКад дастурига юклаш.	4		181 818,00	727 272,00
жами					19,2		3 863 636,00	18 409 090,00
Кадастр муҳандиси хатлови								
Номи	ходим сони	МФЙ объект сони	кунлик режа	иш тури	вақт (кун)	хатолик даражаси (кв)	Битта ходимга тўланадиган сумма	жами сумма
Кадастр муҳандис	5	520	86	хатлов ишлари	6		145 454,55	727 272,75
				абрис шакллантрилади				
ДҚЯТ муҳандиси	1			130	Абрисга асосан shp file тайёрлаш; таҳлил.	4	0,2\0,3	181 818,00
дастур муҳандиси	1		130	Абрисни сканерлаш, УзКад дастурига юклаш.	4		181 818,00	727 272,00
жами					14		509 090,55	2 181 816,75

Ўрганишлар натижасида Ан-2 самолётидан фойдаланишда биргина иш ҳақи харажати 10 000 000 сўм/соат атрофида эканлиги маълум бўлди, аҳоли пунктлари ерларининг доимий ҳисобини ўтказиш заруриятини эътиборга олсак УУА лари ҳар жиҳатдан қулай ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал

Дронлардан фойдаланишга кетадиган вақт унумдорлиги кўрсаткичлари

Вилоят	Аҳоли пунктларидаги ер участкалари сони	Аҳоли пунктларининг ҳудуди, га	УУА нинг съёмка қилиш вақти	
			кун	соат
Жиззах	269 585	89 190	396	3567.59

Агар 1 та учувчисиз учиш аппарати вилоят аҳоли пункти ерларини 396 кунда съёмка қилса, мавжуд 13 та учувчисиз учиш аппарати билан 30,4 кунда барча аҳоли пунктлари ерларини тўлиқ съёмка қилиш мумкин. Бу Жиззах вилоятининг ҳар бир туманида биттадан УУА бўлиши лозимлигини англатади.

УУА ларининг имкониятларидан фойдаланиб, Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманида аҳоли пункти ерларининг ҳисобини қилиш ва 1:2000

масштабдаги электрон рақамли картасини яратиш ҳамда аҳоли пункти ерларининг ДКЯТ маълумотларини шакллантиришга асос яратиш учун УУА ларидан фойдаланиш механизми ишлаб чиқилди (2-расм). Шунингдек УУА лар ёрдамида аэрокосмик сураатлар олинди.



2-расм. Аҳоли пункти ерларини УУА ёрдамида ер ҳисоби асосини яратиш механизми

Бундан кўринмоқдаки, учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида ерлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан аниқ ва тўғри маълумотлар олишга эришилди. Бундан ташқари ердан фойдаланувчилар томонидан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш юзасидан харажатларни ва даромадларни тўғри режалаштириш,

истикболда мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тизимли ва самарали чоратадбирларни белгилаб бериш имкониятини яратилади.

Муаллиф таклиф қилган услубда замонавий УУАлари ёрдамида олинган фотосуратларга асосан, ArcGIS дастуридан фойдаланиб, маълум бир аҳоли пункти ҳудудининг вектор форматдаги геомаълумотлар базаси шакллантирилди ва бу услубнинг ҳар томонлама қулай, тезкор, камҳаражатли, маълумотларнинг ишончлилиги исботланди. Ҳудуд учун ер қиймати маълумотлари космосуратнинг қоғоз вариантда чоп қилинган нусхаси олиниб дала шараитида кўчмас мулк объектларининг маълумотлари билан солиштирилди, ахборотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилинди. Сўнгра ArcGIS дастурида камерал шароитда аҳоли пункти ерларининг ДКЯТ маълумотларини шакллантириш, таҳлил қилиш ишлари муаллиф тавсияси асосида йўлга қўйилди.


Диссертациянинг «**Аҳоли пункти ерларининг миқдор ҳисоби бўйича фойдаланаётган услублар ва уларнинг хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида аҳоли пункти ерлари ҳисоби маълумотларининг ахборот базасини шакллантириш ва ArcGIS дастури ёрдамида аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчиларнинг маълумотларини янгилаш ва хатоликларини аниқлаш йўллари тадқиқ қилинган.

Республикамизда 7 672 000 млн. дан зиёд кўчмас мулк объектлари мавжуд бўлиб, бир кунда 10 мингдан ортиқ кўчмас мулкка бўлган ўзгаришлар ҳисобини олиш ҳаракатлари кузатилди. Бундай мураккаб жараёнларни тезкор, сифатли, хато ва камчиликларсиз бажариш учун ўз ўрнида махсус электрон дастурларни қўллашни тақозо этади. Ҳозирги кунда, республикамизда кадастр маълумотларини шакллантиришда ва унинг натижасида яратилган ахборотларни тегишли жойларга тақдим этиш каби жараёнларни бажаришда махсус электрон «Кўчмас мулк маълумотлар базаси» дастуридан фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида, кўчмас мулкка бўлган маълумотлар тезкор равишда ер участкаларига тегишли маълумотларни даврий равишда киритиш, сақлаш, ўзгартириб бориш имкониятлари мавжуд. Ҳозирда кадастр онлайн миллий базаси ҳисобланган «Кўчмас мулк маълумотлар базаси» дастурида мавжуд маълумотларга ArcGIS дастурида яратилган ва архив қилиб сақланган геомаълумотлар асос бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари нафақат «Кўчмас мулк маълумотлар базаси» дастури, агарда кадастр маълумотларини юритиш учун бошқа дастурлар (uzkad, Inola Geoportal ва ҳ.) жорий қилинса, таклиф қилинаётган услуб аҳоли пункти ерлари ДКЯТ маълумотларини шакллантириш, таҳлил қилиш, тезкор ахборот алмашинуви ишларида ва унинг аниқлигига асос бўлади ва аҳоли пункти майдонларининг кўпайиш ёки камайиш жараёнларини назорат қилишда оптимал услуб ҳисобланади.

Белгиланган тартиб бўйича ҳудудларда давлат ер ҳисобини юритиш Давлат кадастрлари палатаси ва унинг туман (шаҳар) филиаллари, томонидан амалга оширилади. Туманда шакллантирилган аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчилар маълумотлари Excel дастурида “Кўчмас мулк маълумотлар базаси” электрон дастури маълумотлари билан “ВПР” бўйруғи орқали аниқлик

даражаси таҳлил қилиниб келинган. “Кўчмас мулк маълумотлар базаси” электрон дастурида чиқмаган ёки кўрсаткичлари нотўғри киритилган аҳоли пункти ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларини Excel дастурида визуаллаштириш имконияти бўлмаганлиги сабабли қайта кўрилиб чиқишда унинг айнан қайси ер участка эканлиги, ер участкасининг жойлашган жойини топишда вақт талаб қилинган. Шунингдек хато шакллантирилган ер участкаларини ҳолатлар ҳамда солиқ тўловларининг нотўғри чиқиши каби тушунмовчиликлар юзага келган.

Муаллиф таклиф қилган услубда “Кўчмас мулк маълумотлар базаси” онлайн дастурдан Excel кўринишида олинган маълумотларни ArcGIS дастури ArcMap иловасига қатлам кўринишида юклаб олинди ва ҳудудда шакллантирилган аҳоли пункти ДҚЯТ маълумотлари билан “join” бўйруғи орқали ўзаро интеграция қилинди (3-расм).



3-расм. Аҳоли пункти ерлари ҳисоби маълумотлари хатолигини аниқлашнинг такомиллаштирилган механизми

Бунда қатлам кўринишида юклаб олинган маълумотлар билан боғланмаган ДҚЯТ базаси, алоҳида қатлам кўринишида ажралиб туради ва ҳудуд кадастр муҳандиси айнан қайси ер участкасида хатолик бор эканлиги ер участкасининг қаерда жойлашганлиги ҳамда ўша ҳудуднинг ҳисобини кадастр

муҳандисининг ўзи юритганлиги сабабли муаммонинг ечими, хатоликни бартараф қилиш тезкор амалга оширилди.

ArcGIS дастурида аҳоли пункти ерларининг ДҚЯТ маълумотларини янгилаш, таҳлил қилиш ишлари муаллиф тавсиясига кўра йўлга қўйилди, ҳар бир ҳудуднинг таҳлили амалга оширилди ва янгиланган ер участкаларининг ҳисоби дастурда олиб борилди ва бу билан ушбу услубнинг ҳар томонлама қулай, тезкор, камҳаражатли, маълумотларнинг ишончлилиги исботланди.


Аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчилар ДҚЯТ маълумотларини муаллиф таклиф қилаётган услуб бўйича шакллантириш ҳамда унинг таҳлили қилиниб мазкур дастурга юклаш ишлари амалга ошириш мумкин. Юқорида берилган маълумотлар, услублар ва илмий изланишларни таҳлил қилиш республикамизда юритилаётган ер ҳисобини илмий-услубий ва амалий жиҳатдан ривожлантириш имконини берди.

Диссертациянинг «**Аҳоли пункти ерлари ҳисобининг услубларини такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган учинчи боби аҳоли пункти ерларининг геомаълумотлар базасини шакллантириш, аҳоли пункти ерларининг геомаълумотлар базасини ArcGIS дастури ёрдамида рақамлаштириш ва таҳлил қилиш услубларини такомиллаштириш, шунингдек ГАТ асосида аҳоли пункти ҳудудида манзиллар реестрини юритишни такомиллаштириш ва геомаълумотлар базасидаги аҳоли пункти ерларининг миқдор қийматлари ўзгаришининг кўрсаткичларини Оверлей модули ёрдамида аниқлаш усулини ишлаб чиқишга бағишланган.

Дала тадқиқот натижаларини қайта ишлаш орқали УУА ёрдамида олинган фотосуратлар асосида Жиззах вилояти аҳоли пункти ерларининг геомаълумотлар базаси тўлиқ шакллантирилди. Геомаълумотлар базасида аҳоли пункти ерларининг ҳисобини олиш, ерларнинг вектор қатламларини яратиш ва геовизуаллаштириш ишлари бажариш бўйича технологик схемаси босқичлари ишлаб чиқилди (4-расм). ArcGIS дастури ёрдамида Жиззах вилояти бўйича аҳоли яшаш ҳудудларининг ер майдонлари аниқланиб вектор мавзули қатламларда шакллантирилди ва ҳудудлар кесимида геовизуаллаштирилди.

Дала тадқиқот ишларининг маълумотлари ва мавжуд “Кўчмас мулк маълумотлар базаси” дастури билан солиштирилиб ҳар бир вектор форматда яратилган ер участкаларининг атрибутлари киритилди.

УУА да олинган фотосуратлар асосида ArcGIS дастури ёрдамида камерал шароитда юқори аниқликка эга бўлган аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчилар ДҚЯТ маълумотлари шакллантирилди ва геовизуаллаштирилди. Шу билан бирга Жиззах вилояти МФЙ лар чегараси қоғоз кўринишдаги эски карталари бўлиб ёроқсиз ҳолга келган, бу бўйича МФЙ лар ва хокимлик идоралари ўрганилганда уларда маҳалла чегараларини акс эттирган янги карталарнинг йўқлиги аниқланди ва тадқиқотлар натижасида Жиззах вилоятининг ҳар бир маҳалла чегарасига аниқлик киритилди ҳамда ArcGIS дастурида майдонли қатлам кўринишида шакллантирилди шунингдек электрон карталари яратилиши йўлга қўйилди.



4-расм. Аholi punkti erlarining ҳисобини олиш б'ycha технологик схемаси bosqichlari

ArcGIS дастури ёрдамида ер маълумотларини янгилаш ҳамда геостатистик таҳлилларни амалга ошириш bosqichlari ишлаб чиқилди (5-расм). Геомаълумотлар базасидаги электрон рақамли картага проекция асосида импорт қилинган вектор маълумотлар алоҳида географик жойлашуви билан ажралиб туради. вектор маълумотлардан фойдаланилган ҳолда ердан фойдаланувчининг ер участкалари ажратилади ва алоҳида майдон кўринишидаги мавзули қатламлар билан белгиланади.

Нуқтали кўринишдаги вектор маълумотлари ёрдамида атрибутив жадваллар тўлдирилади ва геометрик калькуляция қилиш йўли орқали ер майдонлари автоматик тарзда ҳисобланади.

Маълумотларни геомаълумотлар базасига юклаб олишда ArcGIS дастурининг "добавить" бўлими орқали амалга оширилди. Мазкур жараёнда боғланиши лозим бўлган маълумотлар вектор қатламнинг "соединения" бўлими орқали белгиланиб бир хил ахборотлар келтирилган устун кўрсатилди. Натижада Excel шаклига ўтказилган «Кўчмас мулк маълумотлар базаси» дастури маълумотлари геомаълумотлар базасидаги тегишли мавзули қатлам атрибутида визуаллаштирилди.



5-расм. ArcGIS дастури ёрдами ер маълумотларини янгилаш ҳамда геостатистик таҳлилларни амалга ошириш босқичлари

Юқоридаги кетма-кетликлар натижасида ер ҳисобини юритиш ва геомаълумотлар базасига ахборотларни интеграциялаш ишларида юқори сифатга, кам вақт сарфлаб, кўп иш унумига эришиш мумкинлиги исботланди. Олдинги excel дастуридаги бажарилган таҳлиллар билан фарқи ArcGIS дастури вектор қатламли базалар билан ишлашга мўлжалланган ва визуаллаштириш имконияти мавжуд.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра аҳоли пункти худудида манзиллар реестрини шакллантириш геофазовий боғлаш ва ундан фойдаланиш нафақат шаҳар ерларида, қишлоқларда жойлашган аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчиларга интерактив хизмат кўрсатишга жуда катта қулайликлар яратди, балки аҳолини яшаш жойи манзили бўйича рўйхатга олиш ишларини ҳам автоматлаштириш имконини берди. Аҳолига уй жой қуриш учун ер ажратишда кўча номлари орқали аниқ манзили белгиланди. Натижада турли нотўғри маълумот алмашинувининг олди олинди. “Кадастр кўчмас мулк маълумотлар базаси” дастуридан фойдаланувчи Вазирлик ва идоралар учун маълумотларнинг янада аниқлиги таъминланди. Шу билан бирга, ер ҳисобини юритишда юқори аниқликдаги натижаларга эришиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари худудларда шу пайтга қадар йўллар узунлигининг ҳисоби юритилиб келинган, манзиллар реестрини геоахборот технологиялари

асосида базасини шакллантириш орқали йўлларнинг эгаллаган майдонини ҳам аниқлаш имконияти яратилди. Натижада аҳоли пункти ерларида ички кўчалар эгаллаган майдони аниқланиб умумий ер ҳисоби чиқарилди. Шунингдек аҳоли пункти ерларида жойлашган бошқа ер фонди тоифасининг геомаълумотлари шакллантирилди ва тадқиқотлар натижасида, туман ер ресурслари ҳисоботи (баланси)да юритилаётган ҳисоботлар билан солиштирилди ва шу пайтгача ер солиғи тўланилмаётган 7305.64 га ер майдонлари аниқланди (3-жадвал). ArcGIS дастурида аҳоли пункти ерларининг манзиллари реестирини шакллантириш, унга туташ худудларни аниқлаш, таҳлил қилиш ишларини йўлга қўйиш таклифлари асосланди, бу эса аҳоли пункти ерлари майдонини аниқ ҳисоблаб чиқариш услубини ҳар томонлама қулайлигини исботлади.

3-жадвал

Ш.Рашидов тумани аҳоли пункти ерлари ҳисобининг, ер баланси билан таҳлили


т/р	Ер фонди тоифаси	Туман ер баланси		Ҳатлов натижаси (ГИС)		Фарқи +/- (га)
		сон	майdonи (га)	сон	майdonи (га)	
1	Аҳоли пункти ерлари	445	516	499	7 642,64	7 126,64
2	Аҳоли ер участкалари	14	337	43	6 308,66	5 971,66
3	Электр тармоқлари	431		413	2,67	2,67
4	умум фойдаланишидаги ерлар		179,0	43	940,42	761,42
5	Автомобил ички йуллар	785 км		827 км	390,89	390,89

Қолаверса, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек хусусий корхоналар учун ҳам маълумотлардаги жорий ўзгаришларни янгилаб бориш ишлари амалга оширилди ҳамда қишлоқларда жойлашган аҳоли пункти ерларидан учун, давлат хизматларидан (тез ёрдам, ҳавсизлик хизмати такси, етказиб бериш хизмати. в.б) фойдаланиш имконияти яратилди.

Муаллиф ўз илмий ишида ModelBuilder алгоритмлаш моделидан фойдаланиб, масофадан зондлаш материалларини таҳлил қилиш орқали аҳоли яшаш ерларининг худудий жиҳатдан ўзгариш чегараларини аниқлаш бўйича кенг кўламли изланишлар олиб бориши натижасида мазкур жараён юзасидан механик усулда амалга оширилиб келинган дала тадқиқот ишларининг зарур эмаслиги асослади. Ўз навбатида бу жараён ортиқча сарфхаражатларни келтириб чиқариши, вақт билан боғлиқ муаммолар туфайли ҳукуматга интерактив хизмат кўрсатиш имконият мавжуд бўлмаган. Шу билан бирга энг асосийси мутахассислар ва ер эгалари ўртасида манфаатлар тўқнашувини юзага келтириш учун қулай фурсат бўлиб хизмат қилган.

Муаллиф юқорида зикр этган жараёнларни шаффофлигини таъминлаш ва иш унумдорлигини ошириш мақсадида камерал шароитда ArcGIS дастурининг ModelBuilder алгоритмлаш модели асосида таҳлил қилиш усулини такомиллаштирди ва жарёнларнинг рақамлаштирилган услубини ишлаб чиқди

(6-расм). Жараённи автоматлаштиришда 2019 йилги ва 2021 йилги хатлов натижалари геомаълумотлар базасига киргизилиб, симметрик фарқни топиш инструменти ёрдамида модул ишлаб чиқилди. Натижада ўзбошимчилик билан эгалланган ер майдонларини аниқлаш ва алоҳида ранг билан вектор кўринишидаги мавзули қатламлар ёрдамида геовизуаллашуви таъминланди. Шу билан бирга мазкур жараённи ArcGIS дастурининг стандарт панелида буйруқ тугмаси кўринишида иловаси чиқарилди.




6-расм. ArcGIS дастурининг ModelBuilder алгоритмлаш модели

Унга кўра Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманидаги Қизлартепа маҳалласида 2021 йил таҳлиliga кўра суғориладиган ерлар ҳисобидан 18 гектар ер майдони аҳоли яшаш ерлари ҳисобига ўтганлиги аниқланди. Унга кўра 150 та уй-жой хўжалиги қонун бузулишлари кузатилган.

Мазкур жараёнлари рақамлашган услубда амалга ошириш учун мавжуд (2019 йилдаги) хатлов натижалари геомаълумотлар базасига юклаб олинди. Хатлов маълумотлари ер участкасига оид бўлган майдон кўринишидаги вектор қатламлар саналади. Юклаб олинган 2017-2019 йиллардаги маълумотларга 2021 йилда хатловдан ўтказилган маълумотлар ArcToolbox панели ёрдамида “Оверлай” усули орқали Symmetrical Difference таҳлили амалга оширилди. Натижада дастурий таъминот автоматлашган усулда янги алоҳида қизил рангда майдон кўринишидаги вектор қатлам яратиб ўртадаги тафовутларни кўрсатиб берди (7-расм). Бу ўз навбатида суғориладиган ерлар ҳисобига аҳоли яшаш ер майдонларининг кенгайишидан далолат беради.

Маскур таҳлилларни муаллиф Жиззах вилояти мисолида амалга ошириб вилоят бўйича жами 222,52 гектарга тенг ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани аниқлади. Аниқланган қонун бузилишлар бугунги кунга келиб ҳудудий мутасадди давлат идораларида юритиб келинаётган навбатчи хариталарда мазкур ҳудудлар суғориладиган ер майдонлари ҳисобида турганлиги аниқланди.



7-расм. Ўзбошимчалик билан эгалланган ҳудудлар алоҳида қизил ранг билан ифодалаш жараёни

Муаллиф тавсия этаётган усул орқали аҳоли ерларининг кўпайиш ва камайиш тенденцияси ер ҳисобини юритишни рақамлаштирди. Қишлоқ хўжалиги ерлари ҳамда унда жойлашган аҳоли пункти ерларининг ҳисобини юритишда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришда юзага келадиган хато ва камчиликларни аниқлаш, аҳоли пунктлари ерларидан фойдаланувчилар ерларни ноқонуний эгаллаб олиши, кўшимча қурилишлар қуришни қонун доирасида олиб борилишини тизимли мониторинг қилиш жорий қилинди. Ер кадастрини масофадан тадқиқ қилиш учун космосуратларни геофазовий боғлаш, маълумотларни автоматлаштирилган тарзда ер ҳисобини юритиш тизими муаллиф томонидан такомиллаштирилди ва ишлаб чиқариш ташкилотларига жорий қилинди.

ХУЛОСА

Аҳоли пункти ерлари ҳисоби услубини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш (Жиззах вилояти мисолида) мавзусидаги олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 сентябрдаги ПҚ-2045-сонли “Миллий географик ахборот тизимини яратиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, аҳоли пункти ерларининг электрон рақамли карталарини янгилаш ва унинг ҳисобини юритиш, ҳудудлуарнинг ягона картографик асосини тузиш ва мониторинг тизимини мунтазам йўлга қўйиш Кадастр агентлиги агентлиги (собиқ “Давергеодезкадастр” кўмитаси)нинг 4-8-28 42-03-сонли Буйруғи оийга Республика бўйича 500-600 минг та объект миқторида ДҚЯТ базасини шакллантириш ҳамда янгилаб бориш топшириғини амалга ошириш ҳамда тизимли равишда юритиш имконини берди.

УУАлари ёрдамида олинган фотосуратларга асосан, ArcGIS дастуридан фойдаланиб, камерал шароитда аҳоли пункти ҳудудининг ДҚЯТ маълу-

мотларини шакллантириш, таҳлил қилиш ишлари йўлга қўйилди, шунингдек аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчилар маълумотлари геоахборот технологиялари асосида таҳлили ишлари натижасида ArcGis дастуридан фойдаланган ҳолда визуаллаштирилиб, тадқиқот объектининг маанфатдор ташкилотларга ва аҳолига интерактив ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш имконини берди.

аҳоли пункти ерларида объект сони 520 та бўлган МФЙ да геодезик ўлчов аппаратлари ва замонавий УУАлари ёрдамида олинган фотосуратларга асосан, кадастр муҳандиси хатлов ишлари таҳлили қилинб таққосланди, натижада геодезик ўлчов ишларида 7 та ходимга 19.2 кун ва 18 409 090,00 сўм сарф ҳаражат кетган бўлса кадастр муҳандиси хатловида 7 та ходимга 14 кун ва 2 181 816,75 сўм миқдорида маблағ сарф қилинди бу эса иқтисодий самарадорликка эришиш имкоини берди. Аҳоли пункти ерлари ҳисобини олишда таклиф қилинаётган услубнинг ҳар томонлама қулай тезкор, камҳаражатли, маълумотларнинг ишончлилиги исботланди.

шу пайтгача эскирган ва чегаралари аниқ бўлмаган маҳалла чегаралари ҳисоби олиниб геомаълумотлар базасида шакллантирилди ва электрон картаси ишлаб чиқилди.

давлат кадастрлари ягона тизими ахборотларини тўғри ва аниқ олиш, ҳудудда мавжуд бино ва иншоотларни рўйхатга олиш, ер ва қўчмас мулк билан боғлиқ ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилишда учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш, жойларга манзил бериш ҳамда мониторинг қилиш мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида ҳамда ер ва қўчмас мулкларни самарали бошқаришда катта амалий аҳамиятга эгадир.

тадқиқотлар натижасида Ан-2 самолётининг келишилган ҳолда иш ҳақи саотига 10 000 000 сўм атрофида эканлиги маълум бўлди, аҳоли пунктлари ерларининг доимий ҳисобини ўтқазिश заруриятини эътиборга олиб УУА лари ҳар жиҳатдан қулай эканлиги исботланди.

ер ажратиш, аҳоли пункти ерларининг инфратузилмасини мониторингини олиб бориш, ер тузиш, ер кадастри ишларини амалга ошириш, ердан фойдаланувчилар томонидан фойдаланилаётган ер майдонларини жойлашган ўрни ва чегараларини аниқ кўрсатиб бериш, уларга белгиланган тартибда кадастр рақамларини бериш, ер ажратиш имконини берди.

қишлоқ ерларида жойлашган аҳоли пункти ерларидан фойдаланувчилар манзиллари ягона реестрининг геомаълумотлар базаси яратилди ва рақамлаштрилган тарзда маълумотлар ҳисобини юритиш жорий қилинди.

кадастр ишларини юритишда, кадастр ахборотларини шакллантириш ва аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш жараёнида учувчисиз учиш аппаратлари ва уларнинг маълумотларидан фойдаланиш, жойларда манзиллар реестрини шакллантириш, ер ҳисобини оқилона бошқариш билан бирга, кадастр ишларини юритиш учун сарфланадиган харажатлари ва вақтни тежаш имконини берди. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг ўсишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC. 03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ “ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА”**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
“ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА”**

ЮНУСОВ БЕГЕНЧ МАВЛАНБЕРДИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДА УЧЕТА ЗЕМЕЛЬ НАСЕЛЕННЫХ
ПУНКТОВ НА ОСНОВЕ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
(на примере Джизакской области)**

06.01.10 – “Землеустройство, кадастр и мониторинг земель”

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В 2022.4.PhD/T197.

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженерной ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.tiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.net).

Научный руководитель:	Алтиев Абдурашид Султанович доктор экономических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Сафаров Эшкобил Юлдашевич доктор технических наук, профессор Суюнов Абдусоли Саматович доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Каршинский инженерно-экономический институт

Защита диссертации состоится «10» Февраль 2023 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019.T.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (Адрес: 100000, г.Ташкент, улица Кари-Ниезий, дом 39. Тел.:(+99871) 237-09-71, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (зарегистрирован за №251). Адрес: 100000, г.Ташкент, улица Қори Ниёзий, дом 39. Тел.:(+99871) 237-19-45

Автореферат диссертации разослан «23» Январь 2023 года.
(реестр протокола рассылки №251 от «23» Январь 2023 года.)




Т.З.Султонов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор


Ф.А.Гаппаров
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор


К.Р.Рахмонов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, кандидат экономических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Использование эффективных методов управления имеющимися земельными ресурсами для обеспечения глобальной социально-экономической стабильности занимает одно из ведущих мест в мире. Учитывая, что земельные ресурсы приходящиеся на душу населения в мире сокращаются в результате глобального роста населения, имеющиеся земельные ресурсы, в том числе эффективное управление и учет земель населенных пунктов, требуют широкого внедрения в практику геоинформационных систем. В этой связи особое внимание уделяется как важной проблеме организация рационального и эффективного использования земель населенных пунктов в мире, их учета в целях обеспечения действенного контроля и строгого соблюдения установленных земельным законодательством организационно-технических механизмов регулирования землепользования.

В мире проводятся исследования с целью разработки новых научно-технических решений, позволяющих с высокой степенью точности и уровня использовать учет земель населенных пунктов на основе геоинформационных технологий. Наблюдение и учет в данном направлении процессов сокращения или расширения земель населенного пункта с учетом потребностей общества и экономики, установление ограничений на выделение особо интенсивно используемых земель для развития населенного пункта, наличие случаев произвольного освоения этих земель в гражданских целях, неопределенность видов земель населенного пункта свидетельствуют о том, насколько актуальным является вопрос учета этих земель. В этом смысле актуальны исследования, направленные на совершенствование методики учета земель населенных пунктов с использованием геоинформационных технологий, предотвращение неэффективного расходования времени и средств, а также на качественное и постоянное обновление информации.

В нашей республике реализуются комплексные меры в сфере земельного кадастра, в частности, в рамках оцифровки всей земельной информации по автоматизации системы учета земель населенных пунктов, и достигнуты определенные результаты. Орошаемые (интенсивно используемые) земли, имеющие крайне важное значение для нашей республики, составляют 4,3 млн. га или 9,6% от общей земельной площади страны, этот показатель уменьшается из года в год, в основном за счет земель произвольно занятых населенных пунктов, по этой причине в настоящее время увеличение количества земель населенных пунктов за счет сельскохозяйственных угодий как незапланированным, так и неопределенным образом требует достаточной оцифровки учета земель населенных пунктов. Поэтому важное значение приобретает проведение научно-исследовательских работ по совершенствованию методики учета земель населенного пункта.

Методы, предложенные в данной диссертации в определенной степени служат реализации задач, поставленных Постановлением Указ Президента Республики Узбекистан от 9 сентября 2020 года № УП №6061 «О мерах по

